

## Бешта ташаббус амалда

"Гидромелиорация" факультети "Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш" таълим йўналиши 2 - босқич талабалари бениҳоя шод. Улар "Ўқув-илмий марказ"да бўлиб ўтаётган "Гидрология" фанидан ўқув амалиёти даврида, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус доирасида ўюштирилган спорт мусобақасида қаташишди. Шахмат тури бўйича Матякубов Мирбек, шашка тури бўйича Эргашев Жаҳонгир, армрестлинг бўйича Бободўстов Бобур, югуриш тури бўйича Сапаев Дониёрлар фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев мусобақа ғолибларига дипломлар тақдим этди. Айни дамда факультет деканининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.



**Институт Матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов**